




МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИНГ ТЕРАН ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди» ва «Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир» номли китоблари «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилди.



Маълумки, давлатимиз раҳбари жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида шу йил 30 июнь — 1 июль кунлари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб, мазкур вилоятларнинг фаоллари, хотин-қизлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, самимий суҳбатлашди.

Ушбу китоблардан ана шу суҳбатлар пайтида Юртбошимиз томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўрин олган бўлиб, уларда нафақат Сурхон ва Қашқадарё воҳалари, балки бутун мамлакатимизнинг бутунги ва эртанги тараққиёти, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни, обод ва фаровон ҳаётни янада мустаҳкамлаш ва қадрига етиш, олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни чуқурлаштириш, бунёдкорлик ишларини янги босқичга кўтариш, ёшларимизни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш каби ўта муҳим ва долзарб масалалар бўйича фикр юритилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақалари сингари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам улкан ўзгаришлар рўй бергани мазкур китобларда алоҳида таъкидланади. Мустақил тузум даврида асосан пахта хомашёси етиштириш билан чекланган бу воҳаларда бугунги кунда замонавий технологиялар билан жиҳозланган йирик sanoat корхоналари, коммуникация тармоқлари фаолият кўрсатаётгани, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб, қишлоқ ва шаҳарлар қиёфаси тубдан ўзгариб, одамларнинг турмуш даражаси, онгу тафаккури, дахлдорлик ҳисси тобора ортиб бораётгани ва бундай ютуқлар замирида

муҳассам бўлган омишлар ҳақида теран фикр-мулоҳазалар баён қилинади.

Мазкур вилоятларнинг ўзига хос табиати, улкан иқтисодий ва инсоний салоҳияти, бетакрор қадрият ва анъаналари, Сурхондарё ва Қашқадарё заминининг мард ва олижаноб инсонлари тўғрисида Юртбошимиз катта меҳр ва ғурур туйғулари билан фикр юритди.

Ушбу китобларда тарихан қисқа муддатда Термиз, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб, мамлакатимизнинг энг йирик, жадал ривожланиб бораётган иқтисодий ва маданий марказларига айлангани аниқ мисоллар асосида таҳлил этилди.

Президентимизнинг китобларида мустақиллик йилларида халқимиз, Ватанимиз эришган барча ютуқ ва марраларда ҳамма ҳудудларимиз қатори Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари меҳнаткашларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги чуқур миннатдорлик билан эътироф этилади.

Ҳажман кичик, лекин мазмунан чуқур бу китобларни «Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди» деган ҳаётий ҳақиқат бош ғоя сифатида бирлаштириб туради.

Муҳтасар айтганда, Президентимиз Ислам Каримовнинг мазкур рисоалари истиқлол йилларида мамлакатимиз қандай оғир ва мураккаб, шу билан бирга шарафли йўлни босиб ўтгани, мустақиллик ҳар бир вилоятимиз, шаҳримиз ва қишлоғимиз, ҳар бир юртдошимиз ҳаётида буюк ўзгаришларга асос ва замин бўлаётганини чуқур англашга хизмат қилади ва ана шу бебаҳо неъматни қадрлаб, уни ҳимоя қилиб яшашга даъват этади.

Ў.А.

■ КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК?



ЎЗБЕКИСТОН — ДУНЁ ЙЎЛЛАРИ ТУТАШГАН ЮРТ

Ёки истиқлол йилларида барпо этилган автомобиль йўллари ҳақида

3

■ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

13 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.



Депутатлар долзарб масалаларни кўриб чиқдилар

Парламент қуни палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар илгарироқ сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи, Қонунчилик палатасининг қўмиталари мажлисларида ва зирликлар ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Парламент аъзолари ўз ишларини янги таҳрирдаги «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама этишдан бошладилар. Ушбу қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи тартибидан бир гуруҳ депутатлар томонидан киритилган.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунлариданоқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фуқароларда экологик маданиятни шакллантириш масалаларига катта эътибор берилганлиги таъкидлаб ўтилди. Мустаҳкам қонунчилик базаси мазкур соҳанинг самарали ривожланишига хизмат қилмоқда. Бугунги кун воқеликлари мавжуд нормаларнинг такомиллаштирилишини тақозо этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу янги таҳрирдаги ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий мақсади ўсимлик дунёсини объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни такрор кўпайтириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Бу ўсимлик дунёсининг тур-

лари таркибини ҳамда биологик хилма-хилликнинг таркибий қисми сифатида ўсимлик дунёсининг генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш борасидаги вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, қонуннинг қабул қилиниши ўсимлик дунёсини объектларининг турлари камайиб бориши ёки йўқолиб кетишининг олдини олиш ва сабабларини бартараф этишга, улардан илмий асосланган ҳолда оқилона ва барқарор фойдаланилиши ҳамда такрор кўпайтирилишини таъминлашга, юридик ва жисмоний шахсларнинг ушбу соҳадаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга хизмат қилади.

► Давоми 2-бетда.

■ ЎзХДП ТАШАББУСИ БИЛАН

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

«Истиқбол» ёшлар қаноти вакиллари Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан ёшлар орасида ўтказилаётган тадбирлар ва самарали лойиҳалар ҳақида маълумот берди. «Ватаним гуллаб-яшнаши учун мен нима қилдим?», «Биз терроризмга қаршимиз», «Тинчлик ва хавфсизлик учун бирга курашамиз» мавзулари бўйича бўлиб ўтаётган акциялар ёшларда ватанпарварлик руҳини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

2

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРИДА

БАХМАЛ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, НОГИРОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА ТУҒМА ВА ИРСИЙ КАСАЛЛИКЛАРНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ СЕССИЯГА ОЛИБ ЧИҚДИ.

ХОНҚА ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ТУМАНДАГИ ПОЛИКЛИНИКА ВА ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ-ДИАГНОСТИКА АСБОБ-УСКУНАЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ, ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАСИНИ СЕССИЯГА КИРИТДИ.

ЎзХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН УРГАНЧ ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА БАНК ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ХОЛДА ХИСОБ-КИТОБ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

■ Ҳозирги пайтда миллий автомагистралларимиз ҳақида гап кетганда, «Истиқболга элтувчи йўллар», «Қитъаларни боғловчи магистраллар» каби ибораларнинг қўлланилиши одатга айланди.



Ёки истиқлол йилларида барпо этилган автомобиль йўллари ҳақида

Абдурауф ҚОРЖОВОВ
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист

2003 йилнинг февраль-март ойла-
ри ичида аввалги иккинчи ва учинчи
иншоотнинг фойдаланишга топшири-
лиши доволнинг Хинжон томонидан
транспорт катновини янада оsonлаш-
тирди. Дарё устига солинган қўлбол-
қўприклардан юрак жовучлаб ўтишга
барҳам берилди.

— 15 йилдан бунён шў йўлдан кат-
найман, — деган эди ўшанда **юк ма-
шиниси хайдовчиси Махмуд**
Абдуллахмуд. — Илгарилари Салан-
гдан ўтиш жуда азоб эди. Довонга
етиб олиш учун ҳафта-ўн кунлаб ю-
рак пайталар кўп бўлган. Хозир анча
осон бўлиб қолди. Шунинг учун бу
қўприкларни қўнганларни доим бу

ЎТГАН ЙИЛ ДАВОМИДА 1,4 ТРИЛЛИОН СЎМЛИК ЁКИ 2014 ЙИЛГА НИСБАТАН 136
ФОИЗГА КЎП ЙЎЛ ҚУРИЛИШ, ТАЪМИРЛАШ ВА САҚЛАШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧИ

СОҒЛОМ ОНА —
СОҒЛОМ БОЛА



Хурсандлик АРАББОВЕВ олган сурат.

Фотима, Ҳасан ва Ҳусан

Андижон вилояти Улугнор туманида исти-
комат қилаётган Ҳамзабек ва Гулмирахон
Аббаровлар оиласида бирваракайига уч эги-
зак фарзанд дунёга келди. Уларга Фотима,
Ҳасан ва Ҳусан деб исм қўйишди.

Тумандаги марказий кўп тармоқли поликлини-
ка шифокорлари гўдаклар ва онанинг саломатли-
гини мунтазам назорат қилиб борапти. Она ва ча-
қалоқлар соғлом, ўларини яхши ҳис қилишяпти.

— Ёш оиланинг хурсандчилигига ҳаммамиз
шерикмиз, — дейди **поликлиника шифокори**
Бахриддин Каҳҳоров. — Ҳамшира Саодатхон
Султонова она ва болаларга бириктирилган,
нима зарур бўлса, қилинапти.

Оила бошлиғи Ҳамзабек дурадгор, ҳунар-
мандчилик билан шуғулланади, Гулмирахон эса
тумандаги мактабда ётакчи вазифасида иш-
лайди. Уларни маҳалладошлари, жамоа ва
қариндош-уруғлари соғва-салом билан кутлаб
қолишди, эзгу тилаклар бидиришди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЁЗГИ ОРОМГОҲЛАРДА

болажонлар кўнгилли ҳордиқ чиқаряпти

Ўқувчиларнинг ёзги таътил даврини мазмунли таш-
кил этиш таълим-тарбия ишларининг узвий давоми
ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан жорий йилда бола-
лар ва ўсмирларнинг ёзги соғломлаштириш мавсуми аниқ
белгиланган муддатда, қулай шарт-шароитлар асосида
ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Халқ таълими вазирлиги томо-
нидан ишлаб чиқилган «Ўқувчилар-
нинг ёзги таътил даврини мазмун-
ли ташкил этиш концепцияси»
оромгоҳлар фаолиятида асосий
дастур бўлиб хизмат қилмоқда.
Ўқувчи-ёшлар ўртасида ватанпар-
варлик туйғусини, соғлом турмуш
тарзини, китобхонликни кенг тар-
ғиб қилиш мақсадида ёзги таътил
давомида мактаб ва оромгоҳ кут-
убхоналари, ахборот-ресурс мар-
казлари фаолияти ўзига хос тар-
тибда йўлга қўйилган.

— Оромгоҳлардаги кутубхона-
ларни зарур китоблар билан таъ-
минлаш баробарида ўқувчилар-
нинг бадиий адабиётга қизиқиши-
ни ошириш, маънавий дунёкара-
шини ривожлантириш мақсадида
турли маданий-маърифий тадбир-
лар уюштирилмоқда, — дейди
**Республика Болалар кутубхона-
си директори Дониёр Ўролов**.
— Жумладан, оромгоҳларда таш-
кил қилинаётган китоб байрамла-
рида энг кўп китоб ўқиган, билим-
дон ўқувчилар аниқланиб, уларга
Халқ таълими вазирлигининг эс-
далик совғалари топшириляпти,
китоблар тухфа қилинапти.

Бу йилги мавсумда ўқувчилар
учун 213 стационар ва 851 кун-
дузги соғломлаштириш оромгоҳ-
лари ташкил этилди. Масалан,
биргина Навоий вилоятида ёзги
таътилнинг биринчи мавсумида
шаҳардан ташқарида жойлашган
11 оромгоҳда 3 минг 707 нафар,
24 та кундузги оромгоҳларда 1
минг 580 нафар, жами вилоят
бўйича 5 минг 287 нафар бола
соғломлаштирилди.

— Тошкент шаҳрида 36 кундуз-
ги дам олиш масканида 7-13
ёшдаги 16 мингдан ортиқ ўғил-
қиз дам олиши учун зарур шарт-
шароитлар яратилди, — дейди
**шаҳар касаба уюшмалари таш-
килотлари бирлашмаси Кенгаши**
бўлим мудир Ирода Ҳикматова.
— Тарбиячи сифатида фаолият
юритаётган умумтаълим мактаб-
ларининг саккиз юзга яқин педагог-
лари учун Тошкент шаҳар педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва ма-
лакасини ошириш институти қоши-
да ўқув машғулоти ўтказилди.
Бу оромгоҳларда биринчи ўн кун-
ликда 4300 нафардан зиёд ўқувчи
турли тўғарақларга жалб этилди.
Асосий эътибор оромгоҳларда



Уш сурати.

ўқувчиларнинг мароқли дам оли-
ши ва уларни турли фойдали
машғулотларга жалб этишга
қаратилляпти.

Оромгоҳлардаги болаларга ма-
лакали шифокор ва ҳамширалар,
санитария-эпидемиология мар-
кази мутахассислари хизмат кўрсат-
моқда. Ҳар бир оромгоҳ белгилан-
ган миқдорда дори-дармон, зарур
алоқа ва транспорт воситалари
билан таъминланган. Озиқ-овқат
маҳсулотларининг сифати қатъий
назоратга олинган.

Оромгоҳларда таълим-тарбия
ишларини юқори савияда таш-
кил этиш мақсадида педагог хо-
димлар ҳамда тўғарақ раҳбарла-
ри учун ҳар бир йўналиш бўйича

услубий қўлланмалар тайёрлан-
ди. Барча оромгоҳлар «Оромгоҳ
наволари» номли электрон
дарслик ва қўлланмалар,
мультифильмлар тўплами билан
таъминланди.

Ўқувчиларнинг ёзги таътил дав-
ри нафақат уларнинг мазмунли
ҳордиқ чиқариши, балки янги ўқув
йилига тайёргарлик кўришига ҳам
хизмат қилиши керак, деб ўйлай-
миз.

Зулфия БОҲОВУДДИНОВА,
Республика болалар
кутубхонасининг
Ахборот-ресурс марказларига
услубий ёрдам кўрсатиш
бўлими бошлиғи.

КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Бадиий
Академияси Қорақалпо-
ғистон Республика бўли-
ми кўргазма саройида мус-
тақиллигимизнинг 25
йиллигига бағишлаб «Бу
менинг Ватаним» мавзу-
сида кўргазма ташкил
қилинди.

«Бу менинг ватаним»

Унда Қорақалпоғистон тас-
вирий санъатининг таниқли
рассомлари, Ўзбекистон Бади-
ий Академияси қошидаги
Ўзбекистон рассомлар ижодий
уюшмаси аъзолари — Женис
Лепесов, Абдулла Ражапов,
Сарсенбой Байбосинов каби
ижодкорларнинг мустиқлик
йилларида чизган 90 дан
ортиқ ижод намуналари на-
мойиш этилмоқда.

Кўргазмада юртимизда
барча жабҳаларда эришилган
ютуқлар ва халқимизнинг бун-
ёдкорлик ишлари акс этган
тасвирий санъат асарлари би-
лан танишиш мумкин.

Мнажатдин КУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

РЕКЛАМА

AGROBANK

«Moody's»

халқаро рейтинг
агентлиги 2016 йил 8 июлда

«Агробанк»

акциядорлик тижорат банкининг
халқаро рейтингини

«Барқарор»

деб баҳолади

www.agrobank.uz **Хизматлар лицензияланган**

**ЗАВОД «КРАНЫ И
СПЕЦТЕХНИКА»**

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

► Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
► Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
► Ямобуры.
► Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
► Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

**ГАРАНТИЯ
1 ГОД**

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

Республика байналмилал маданият маркази жамоаси миллий маданий марказлар билан ишлаш бўлими
мутахассиси
Хосиятхон УСМАНОВАнинг
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.